



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Зарифа Хамидова¹, Бахромжон Ғуломов²

¹Тошкент молия институти PhD, ²Тошкент молия институти
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5595000>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-oktabr 2021
Ma'qullandi: 20-oktabr 2021
Chop etildi: 25-oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

аудит, молиявий
назорат, ички назорат,
бюджет, смета,
молиявий ҳисобот,
тафтиш, аудиторлик
ҳисоботи, аудиторлик
хулосаси

ANNOTATSIYA

Мақолада бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари, Ички аудит ўтказишнинг ўзига хос йўналишлари таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда деярли барча мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда ва МДҲ мамлакатларининг давлат секторини ташкил этувчи бюджет ташкилотларида ички аудит тизими жорий қилинган. Ички аудит тизимининг жорий қилиниши нафақат бюджетнинг бош тасарруфчиси бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат бюджети маблағлари мақсадли ишлатилишини, бюджет ташкилотлари самарадорлигини, мутахассислардан оқилона фойдаланиш, ахборот оқимлари ишончлилиги ва шаффофлигига эришиш, балки бу борада ваколатли органлар олдида тўлақонли ҳисоботларни таъминлаш ва шу орқали бошқарув тизимини янада такомиллаштириш имкониятини

беради. Бюджет ташкилоти давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилотидир.

Бюджет ташкилотларида ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш, бюджет-смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфлашга йўналтирилган фаолиятдир.



Бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида, халқаро стандартлар талаблари асосида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартиби такомиллаштирилиши натижасида бюджет ташкилотларида ҳисобни ташкил этишнинг қонунчилик асослари етарли даражада шакллантирилди.

Лекин, шунга қарамай бюджет ташкилотлари ҳисоби амалиётида қатор муаммоли ҳолатлар кузатилмоқда. Жумладан:

1. Ҳисобни юритишда масъул ходимларнинг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида етарлича хабардор эмаслиги, бухгалтерия бўлими ходимлари таркибининг тез-тез ўзгариб, янгиланиб туриши, яъни кадрлар қўнимсизлиги, бухгалтерия бўлими ходимлари ўзаро бир-бирлари бажарадиган ишларини назорат қилиш механизми етарли даражада шакллантирилмаганлиги натижасида хатоликлар ҳамда молиявий тартиббузарликлар кузатилмоқда.

2. Давлат молиявий назорати органлари (Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назораттафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат солиқ хизмати органлари) томонидан режали текширишлар ўтказилганда маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш, молиявий камомадлар, бюджет интизомига риоя қилинмаганлиги ҳолатлари аниқланмоқда.

3. Бюджет ташкилотларида ички молиявий назорат тизими фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги

натижасида ҳисобни юритишда турли ёндашувлар бўлмоқда ҳамда хатоликларга йўл қўйилмоқда.

4. Бюджет ташкилотлари сметалари ва уларнинг ижроси ҳолати таҳлили йўлга қўйилмаганлиги сабабли молиявий назорат органлари томонидан текширишлар ўтказилганда камчиликлар, хатоликлар аниқланмоқда. Юқорида келтирилган муаммоларнинг ечими бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Айтиш мумкинки, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишнинг ички назорати кўп жиҳатдан ички аудит тизимини самарали ташкил этишга боғлиқ бўлади.¹

Юқорида кўрсатилган маълумотлардан шулар кўриниб турибтики бюджет ташкилотларида ички аудит йўналишларини ривожлантирилиши кераклигини исботлаб турибди. Айтиш мумкинки бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағларни ортиқча сарф ҳаражат қилиш яъни оқилона ишлатилиши бюджет ташкилотларида ички аудит тизими тўғри ва тўлиқ йўлга қўйилганлигига боғлиқ ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом қабул қилинган ва жорий этилган. Лекин бу меъёрий ҳужжат тижорий ташкилотлар фаолиятинигина қамраб олган ҳалос, шу сабабли бюджет ташкилотлари учун ички аудитни самарали ташкил

¹ Мехмонов С.У. Иқтисод ва Молия №10 журнали 2015й. 53 бет. <https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhnet->

tashkilotlarida-ichki-audit-faoliyatining-nazariy-amda-amaliy-zhi-atlari



этилиши юзасидан норматив хужжатлар, ички аудит стандартлари, қонунлари ишлаб чиқилиши лозим ва мавжудлари такомиллаштирилиши ва бдюжет ташкилотларида “Ички аудит” бўлими ёки бошқармаси ташкил этилиши лозим.

Ички аудит текширувини ўтказишнинг бюджет муассасаларига мослаштириб қуйидаги турларга бўлишни лозим топдик:

- ички аудит текшируви жойлашган жойда тақдим этиладиган ахборот ва материаллар асосида олиб бориладиган камерал текширувлар;

- мавжуд ҳолатни хужжатлардаги маълумотлар билан солиштиришда аудит объектлари жойлашган жойда гувоҳлар иштирокида амалга оширилувчи текширувлар;

- ички аудит предмети жойлашган жойда ва аудит объектларининг жойлашган жойида амалга ошириладиган бирлашган текширувлар.²

Ички аудитда биринчи навбатда назорат тизимининг самарадорлигини ва раҳбарият ҳамда маъмурий ва бошқарув ходимлари вазифаларини бажариш сифатини мустақил баҳолаш ҳисобланади. Ички аудит тизими ташкилотнинг бухгалтерия тизими билан чамбарчаст боғлиқ бўлишлиги ва биргаликда иш олиб бориши керак. Тизимдаги ходимлар ички аудит жараёнида иштирок этишлари, натижаларни ўз фаолиятларида қўллаш ҳамда фойдаланиши лозим.

Ички аудит:

- мустақил ва объектив бўлиши;

- иш натижалари бўйича ўз маслаҳатларини бериши;

- бюджет сметаларида харажатларни режалаштиришни назорат қилиши;

- ташкилотни иш жараёнини такомиллаштириш учун мўлжалланган маслаҳатлар орқали мунтазам ёндошиши;

- ташкилот ўз мақсадларига эришиш учун рискларни бошқариш;

- бошқарув жараёнларини самарадорлигини баҳолаши каби муҳим масалаларга ёрдам беради.

Ички аудит мустақил ва самарали бўлиши керак. Бунинг учун ички аудитор ўз мақсадларини аниқ белгилаб олиши, вазифаларини тўла ҳис этиши, ўз ишига масъулият билан ёндошиши ва етарлича ахборот ресурслари билан таъминланган бўлиши ва бошқарувининг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ҳамда текшурув жараёнларида асосли усулларга эга бўлиши лозим.

Аудиторлик текширувини ўтказишдан олдин аудиторлик танловининг ҳажмини аниқлаб олиш лозим бўлади, шунингдек, текширилаётган объектда мавжуд бўлган аудиторлик хужжатлари билан танишиб чиқилиши зарур. Ички аудитнинг усуллари моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ўрганиш, активларнинг сақланиши ва мажбуриятларнинг ўз вақтида қайтишини таъминлаш, хўжалик операцияларининг қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва мақсадга

²Тошкент Молия Институтининг «Аудит» кафедраси PhD докторанти Ҳамидова З.У. “Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини

ташкил қилиниши ва унинг самарадорлигини таъминловчи омиллар”



мувофиқлигини таъминлаб бериш, шунингдек, ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бошланғич хужжатлар билан расмийлаштирилишини ўрганиш мақсадида унинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича молиявий, иқтисодий, ташкилий, техник ва ҳақиқий услуб ҳамда чораларининг мажмуасидан иборатдир.

Ички аудитни ўтказиш амалиётда назоратнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш билан амалга оширилади:

- инвентаризация қилиш;
- кўздан кечириш;
- ўрганиб чиқиш;
- назорат тариқасидаги ўлчовлар

ўтказиш;

- хужжатли назорат қилиш, ҳуқуқий текширувлар ва таҳлилий амалларни қўллаган ҳолда ўтказиш;

- кузатиш, қиёслаш ва таққослаш;
- ўзаро учрашувли текширишлар

ва бошқалар.

Ички аудитнинг йўналишларига мувофиқ, турли чоралар амалга оширилиши мумкин. Жумладан, моддий қимматликлар билан бўладиган муомалаларни аудит қилишда қуйидагилар текширилади:

- активларнинг ҳисобда тан олинининг тўғрилиги;

- моддий қимматликлар қолдиқларининг меъёрлар даражасида эканлиги;

- моддий қимматликлар сақланишининг таъминланганлиги, моддий-жавобгар шахсларнинг тайинланганлиги тўғрисидаги

раҳбарнинг буйруқлари мавжудлиги, тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг мавжудлиги;

- моддий қимматликлар инвентаризацияси ўз вақтида ўтказилиши;

- моддий қимматликлар аналитик ҳисобини юритиш;

- моддий қимматликлар кирими ва ҳисобдан чиқарилиши хужжатлар билан расмийлаштирилиши ва ҳисобининг тўғрилиги ва бошқалар.³

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ички аудит тизими соҳасида энг асосий муаммолардан бири ички аудитнинг муҳим ва профессионал стандартлари ишлаб чиқилмаганидир.

Ички аудитор ўзининг тавсияларини раҳбар билан муҳокама қилишлари керак. Бундай ҳолатда кўпинча келишмовчиликлар пайдо бўлиб, тортишувлар юзага келади. Лавозимига содиқлигини кўрсатиш қобилияти ички аудиторнинг касбийлиги ва шахсий фазилатларига боғлиқ. Бироқ у ўз қарорларида ўз мустақиллиги ва холислигини сақлаб туриши ва ички аудиторнинг ахлоқий қоидалари ва ички аудит стандартлари бўйича раҳбарлик қилиши керак.

Бюджет ташкилотларида ички аудит доираси қуйидаги соҳаларни қамраб олиши керак:

- йиллик ва стратегик режаларда белгилаб қўйилган мақсадларга эришиш даражасини баҳолаш ва бюджет дастурларини режалаштириш ва амалга оширишнинг самарадорлиги;

³ Хайдаров М. Иқтисод ва Молия №2 журналы 2013й.
<https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhnet->

tashkilotlarida-ichki-audit-faoliyatining-nazariy-amda-amaliy-zhi-atlari



- ташкилот ички назорат тизимининг самарадорлиги, бюджет дастурларини амалга ошириш натижалари, маъмурий хизматларнинг сифати ва назорат қилиш функцияларини бажариши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар, шунингдек, олий таълим муассасасининг функциялари ва вазифаларини бажаришга салбий таъсир кўрсатадиган таваккалчиликлари;

- ташкилотнинг молиявий ва бюджет ҳисоботларининг қонунийлиги ва ишончилиги, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши бўйича фаолиятини баҳолаш;

- ахборот ва давлат мулки бошқаруви тўғрисидаги қонунлар, режалар, процедуралар, шартномалар ва

активларни зарарлардан ҳимоя қилиниши бўйича ташкилот фаолиятига баҳо бериш.

Ички аудит ўтказган текширувлари бўйича натижаларнинг ишончилигини таъминлайдиган услублар, усуллар ва процедуралар ёрдамида аудит далилларини тўплашни, шу билан бир қаторда ички аудитор ушбу объектлар, усул ва тартибларга қараб объектни ва аудиторлик тўғрисидаги ички ҳужжатларни талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки буларнинг барчаси ҳозирги вақтда ривожланган ва кўп функцияли ички аудит тизимига бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мехмонов С.У. Иқтисод ва Молия №10 журнали 2015й. 53 бет. Тошкент ш. <https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhnet-tashkilotlarida-ichki-audit-faoliyatining-nazariy-amda-amaliy-zhi-atlari>
2. Тошкент Молия Институтининг «Аудит» кафедраси PhD докторанти Ҳамидова З.У. “Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини ташкил қилиниши ва унинг самарадорлигини таъминловчи омиллар”
3. Хайдаров М. Иқтисод ва Молия №2 журнали 2013й. Тошкент ш. <https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhnet-tashkilotlarida-ichki-audit-faoliyatining-nazariy-amda-amaliy-zhi-atlari>